

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Тошкент давлат иқтисодиёт
университети Илмий ишлар ва
инновациялар бўйича проректор
Г.К. Абдурахманова

“20” октябрь 2021 й.



08.00.12 – “Минтақавий иқтисодиёт”

ихтисослиги бўйича таянч докторантурага кириш имтиҳони


ДАСТУРИ

ТОШКЕНТ - 2021

Дастур Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг 2021 йил “_____” даги Кенгашида муҳокама қилинган ва тасдиқланган.

Дастур Тошкент давлат иқтисодиёт университети “Макроиқтисодий таҳлил ва прогнозлаштириш” кафедрасининг 2021 йил “_____” даги “_____” – сонли мажлисида муҳокама қилинган ва тавсия этилган.

Кафедра мудири



М.Асқарова

Тузувчилар:

М.Т.Асқарова	ТДИУ, “Макроиқтисодий таҳлил ва прогнозлаштириш” кафедрасининг мудири, иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент;
И.О.Якубов	ТДИУ, “Макроиқтисодий таҳлил ва прогнозлаштириш” кафедрасининг иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент.

Такризчилар:

Н.Г.Мўминов	ЎзМУ, “Иқтисодий назария” кафедрасининг мудири иқтисодиёт фанлари номзоди, профессор;
И.С.Хотамов	ТДИУ “Тармоқлар иқтисодиёти” кафедраси мудири иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент.

КИРИШ

Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ислохотларнинг пировард мақсади камбағалликни қисқартириш ва аҳоли фаровонлигини оширишдан иборат бўлмоқда. Ушбу стратегик мақсадларга ҳамма учун тенг имконият яратадиган юқори иқтисодий ўсиш ҳисобига эришилади. Сўнгги йилларда иқтисодиётимизнинг барча жабҳаларига бозор механизмларини жорий этиш борасида жиддий қадамлар ташланди. Эндиги вазифа чуқур таркибий ислохотлар орқали узок муддатли барқарор ўсишнинг пойдеворини яратишдан иборат бўлиб, минтақаларни иқтисодий ривожлантириш стратегиясини амалга ошириш зарур ҳисобланади.

Ушбу стратегия минтақаларни тадқиқ қилишнинг назарий-методологик базасини тизимлаштириш ҳамда ҳудудий ишлаб чиқариш комплекслари, иқтисодий районлаштириш, ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш ва жойлаштириш концепцияларига асосланмоқда.

Мамлакат ва унинг минтақалари иқтисодиётини глобаллаштириш босқичида стратегик қараш ва дастурий чора-тадбирлар ишлаб чиқиш методологик ва амалий жиҳатларини тадқиқ қилишнинг зарурлигини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга ва халққа 2021 йилги Мурожаатномасида “.... 84 та туман ва шаҳарда саноат салоҳиятини янада ошириш учун 100 та технопарк, кичик саноат зоналари, ҳудудий кластер ва логистика марказлари ташкил этилади. Келгуси йилда эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналарини зарур инфратузилмалар билан таъминлаш учун 1,6 триллион сўм йўналтирилади”¹ деб таъкидлаб ўтилди.

Минтақанинг юқори даражадаги иқтисодий салоҳияти ушбу ҳудудда яшовчи аҳолининг фаровонлигини таъминлашда бирламчи асос бўлиб ҳисобланади. У ҳудуднинг иқтисодий ривожланишига эришиш йўлидаги барча имкониятлар ҳамда воситалар йиғиндиси ҳисобланади. Иқтисодий салоҳият миллий, минтақавий хўжалик тизимини ташкил этишда муҳим асос ҳисобланади. Иқтисодий салоҳиятнинг ҳажми ишлаб чиқариш кучларининг ривожланганлигини, мамлакатнинг рақобатбардошлигини, корхоналарнинг капиталлашув даражасини кўрсатади.

Минтақавий нуктаи назардан барқарор ривожланишнинг назарий ва амалий имконияти вилоятнинг барча саноат тармоқларини ривожлантириш ҳамда ўзаро минтақавий мутаносибликни тўғри йўлга қўйиш билан ҳал этилади. Иқтисодий ва ижтимоий ривожланишдан ташқари минтақадаги мутаносиблик ва динамик ўзгариш ҳам муҳим ҳисобланади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга ва Ўзбекистон халқига мурожаатномаси. <https://president.uz/uz/lists/view/4056>. 29.12.2020

Бу ўринда айтиш жоизки, минтақалар иқтисодиётини барқарор ривожлантириш кўп жиҳатдан унинг самарали ташқи савдосини олиб боришни, барча ҳудудлар ва секторларнинг экспорт салоҳиятини муттасил ошириб боришни тақозо этмоқда.

Минтақавий ривожланиш ўз ичига: минтақаларнинг турли табиий иқлим шароитлари, иқтисодий салоҳиятларини, бозор ислохотларини амалга ошириш, аввало, ҳудудий даражада намоён бўлишини, мавжуд ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда ҳудудий бошқарув органлари маъсулияти ва уларнинг ваколатлари кенгайтишини ҳамда муҳим иқтисодий масалалар тармоқ, умумреспублика миқёсидан ҳудудий даражага ўтказилишини амалда ошириш масалаларини қамраб олади.

Мамлакатимизда илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш бўйича Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонунига асосланиб, мутахассисларнинг касбий маҳоратини кўтариш ва малакали иқтисодчи кадрларни халқаро андозалар даражасида тайёрлашни тақозо этади.

Дастурда қўйилган мавзу ва масалалар 08.00.12-“Минтақавий иқтисодиёт” ихтисослиги бўйича талабгорларнинг фақатгина шу соҳадаги умумий билим даражасини аниқлаш билан чекланмасдан, балки шу соҳадаги муаммолар ва уларнинг ечимларини топиш бўйича билимга эга эканлигини намоёиш эта олишини талаб этади.

1-мавзу. “Минтақавий иқтисодиёт” нинг предмети ва тадқиқот усуллари

“Минтақавий иқтисодиёт” фанининг объекти ва предмети. Минтақавий иқтисодиётнинг максоди ва вазифалари. Минтақавий иқтисодиётнинг фанлар тизимидаги ўрни ва иқтисодий фанлар билан алоқаси. “Ҳудуд”, “район”, “минтақа” тушунчаларининг мазмун-моҳияти. Олимларнинг минтақа тушунчасига муносабати. Минтақа функционал тизим ва илмий тадқиқот предмети сифатида. Фаннинг тадқиқот усуллари. Бугунги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар шароитида минтақавий ёндашувнинг мазмун - моҳияти.

“Минтақа”, “ҳудуд”, “иқтисодий ҳудуд”, “иқтисодий ҳудуд ривожланиши”, “иқтисодий район”, «иқтисодий районнинг барқарор ривожланиши» атамаларининг моҳияти. Минтақаларнинг миллий иқтисодиёт ривожланишидаги роли. Минтақа - мамлакат ягона халқ хўжалиги мажмуасининг ҳудудий кичик тизими, ҳудуднинг иқтисодий ривожланиш хусусиятлари, узлуксиз тараққиётни таъминлаб берувчи ички ва ташқи омиллар. Минтақавий иқтисодиёт фанининг фанлар тизимида тутган ўрни. Минтақавий иқтисодиёт фан сифатида, ҳудудлар иқтисодиётини ва ҳудудлараро иқтисодий алоқалар, ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш ва ривожлантириш масалалари. Минтақавий иқтисодиётнинг тадқиқот усуллари.

2-мавзу. Ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш қонуниятлари ва тамойиллари

Ишлаб чиқариш кучлари, ишлаб чиқаришнинг ижтимоий ва ҳудудий шакллари. Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш, ишлаб чиқариш кучларининг ижтимоий ва ҳудудий ташкил этилиши. Меҳнат тақсимооти, ихтисослашув. Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш назариялари. А.Г.Гранбергнинг “Минтақавий иқтисодиёт асослари” ёндашувлари, И.Тюненнинг “Қишлоқ хўжалик штандорти” назарияси, А.Вебернинг “Саноат штандортлари” назарияси, А.Лёш ва У.Айзардларнинг “Жойлаштириш” назариялари, Ф.Перрунинг “Ўсиш қутблари ва ривожланиш маркази” назарияси, В. Кристаллернинг “Марказий ўрин” назарияси. Маъмурий-ҳудудий бирлик, сиёсий-маъмурий бирлик. Иқтисодий районлаштириш тамойиллари, район ҳосил қилувчи омиллар. Минтақаларнинг иқтисодий ривожланиш даражаси ва тарихий, демографик, миллий, диний, экологик, табиий-ресурс хусусиятлари.

3-мавзу. Ҳудудий таҳлил услублари ва минтақавий ривожланишни моделлаштириш

Ҳудудий таҳлилнинг статистик базаси. Ҳудудий таҳлил услублари ва минтақавий иқтисодиётнинг таркибий тузилмаси. Ҳудудларнинг типологияси ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дифференция даражасини

баҳолаш. Минтақа ижтимоий-иқтисодий ривожланишини прогнозлаш ва унинг усуллари. Бир ва кўп омилли прогноз усулларининг мақбуллиги.

4-мавзу. Ўзбекистоннинг маъмурий-худудий тузилиши ва уларнинг минтақавий ривожланиш хусусиятлари

Маъмурий-худудий бирликларнинг шаклланиш ва ривожланиш хусусиятлари. Давлат тузилиши ва унинг шакллари. Маъмурий-худудий бўлиниш, туман, вилоят. Давлат суверенитети, ягона олий органлар тизими ва қонунчилик тизими. Марказлашган ва марказлашмаган унитар давлат. Ўзбекистонда маъмурий - худудий бирликларнинг ташкил этилиши. Ўрта Осиёда миллий-худудий чегараланиш сиёсати. Анклав худудлар. Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларидаги маъмурий-худудий бўлиниши ва унинг ҳуқуқий асослари. Ўзбекистон Республикаси маъмурий-худудий тузилишини амалга ошириш тамойиллари.

5-мавзу. Минтақалар табиий-ресурс салоҳияти ва уларнинг худудий таракқиётда тутган ўрни

Табиий ресурс, табиий шароит, табиий бойлик, фойдали қазилма тушунчалари. Табиий ресурс салоҳияти ва унинг иқтисодий моҳияти. Табиий ресурслар классификацияси. Ўзбекистоннинг минерал-хомашё ресурслари ва уларнинг худудий жойлашуви. Мамлакатнинг минерал-хомашё ресурсларига бўлган эҳтиёжи. Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш. Республиканинг умумий захираси. Ўзбекистонда тасдиқланган захиралар ва истикболли конлар. Минерал-хомашё ресурслари ички ва ташқи бозорнинг истеъмол объекти. Ер-сув ресурслари ва улардан самарали фойдаланиш усуллари.

6-мавзу. Минтақа иқтисодиётининг ихтисослашуви ва уни комплекс ривожлантириш

Саноат ишлаб чиқаришининг моҳияти. Саноатнинг шаклланиш босқичлари. Минтақавий саноатнинг тармоқ ва худудий таркиби. Саноатнинг технологик таркиби. Ўзбекистон Республикаси худудлари саноатининг ўзига хос хусусиятлари. Саноат комплексининг индустриал қиёфаси. Минтақавий саноат ишлаб чиқаришининг ЯХМдаги улуши ва ундаги ўзгаришлар. ЯХМ таркибидаги саноатнинг улуши бўйича минтақалар табақаланиши. Қишлоқ хўжалиги ва унинг тармоқ таркиби. Табиий-иқлим шароитининг тутган ўрни. Қишлоқ хўжалиги ривожланишининг худудий хусусиятлари ва ихтисослашуви. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг истеъмол бозоридаги ўрни.

7-мавзу. Минтақалар аҳолиси ва меҳнат ресурслари

Аҳолининг ўсиш динамикаси. Ўзбекистон минтақаларининг демографик ҳолати. Аҳоли бандлигининг минтақавий хусусиятлари ва унинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти.

Минтақада меҳнат бозори. Меҳнат бозорини тартибга солишнинг ҳудудий асослари, уни такомиллаштириш йўллари. Меҳнат ресурслари баланси. Меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш йўллари. Ишсизлик, унинг минтақалардаги ҳолати. Ишсизликни камайтириш йўллари.

8-мавзу. Маҳаллий ва минтақалар молияси ва уни тартибга солиш

Молиявий-ҳудудий бюджетларнинг асосий молия манбаи. Ҳудудий молиянинг моҳияти ва таркиби. Маҳаллий бюджет маҳаллий бошқарув органларининг асосий молиявий манбаидир. Маҳаллий бюджет, унинг тушумлари ва харажатлари. Маҳаллий солиқлар ва уларнинг йўналишлари. Мол - мулк солиғи. Мол – мулк солиғининг маҳаллий бюджетдаги роли. Бюджет жараёни. Бюджетлараро муносабатлар. Маҳаллий бюджетнинг республика бюджетдаги улуши. Маҳаллий бюджетдан ташқари фондлар, ҳудудий ўз-ўзини молия билан таъминлаш, ҳудудларнинг молиявий ресурслари.

9-мавзу. Ўзбекистон минтақаларида саноат тармоғини ривожлантиришнинг ҳудудий жиҳатлари

Ўзбекистон саноатининг тармоқлараро минтақавий таркиби. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида саноат ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви. Саноат ишлаб чиқаришини ривожлантиришнинг шарт-шаротлари. Саноатнинг ҳозирги ташкил этишнинг замонавий шакллари. Ҳудудларда инновацион сиёсат ва уни жорий қилиш йўллари. Стратегик аҳамиятга эга тармоқларнинг миллий иқтисодиётдаги роли. Металлургия мажмуаси. Кимё ва қурилиш материаллари саноати. Енгил ва озиқ-овқат саноати ривожини.

10-мавзу. Қишлоқ хўжалигининг ҳудудий ихтисослашуви

Қишлоқ хўжалиги тармоғининг ҳудудий хусусиятлари ва ихтисослашуви. АСК тушунчаси, таркиби ва уни бошқариш. АСК сиёсатидаги устиворликлар. Республика қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш жараёни. Қайта ишлаш корхоналари жойлашуви ва ихтисослиги. Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш шароитида қишлоқдаги мулкдор ва тадбиркорларнинг аҳамиятини ошириш, фермер хўжаликлари ривожини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш.

11-мавзу. Минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегияси ва тартибга солиш масалалари

Ўзбекистон минтақаларининг ижтимоий–иқтисодий ривожланиши. Минтақалар иқтисодиётига тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш хусусиятлари ва имкониятлари. Минтақаларда кичик тадбиркорликни ривожлантиришни кенгайтириш йўллари. Ўзбекистон ҳудудларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, ҳудудларнинг иқтисодиётига инвестицияларни жалб қилиш хусусиятлари ва имкониятлари. Кичик тадбиркорликни кенг ривожлантириш йўллари, кичик бизнеснинг мамлакат ривожланишидаги аҳамияти. Кичик корхоналар ривожланишидаги хорижий тажрибалар. Кичик корхоналар самарадорлиги. Кичик корхоналар чегараларини аниқлаш мезонларини белгилаш.

12-мавзу. Ҳудудларнинг иқтисодий салоҳияти ва барқарор ўсиш

Ҳудудий - иқтисодий салоҳият таркиби ва унинг таҳлил қилиш услублари. Ҳудудий бозорларнинг шаклланиши ва уларнинг ўзаро алоқаси. Ҳудудларнинг иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланишнинг асосий йўналишлари. Ҳудудий барқарор ўсишнинг моҳияти ва тушунчаси. Ҳудудий барқарор ўсишни баҳолаш индикаторлари. Ҳудудларда туризмни ривожлантириш имкониятлари.

13-мавзу. Минтақа иқтисодиётини тартибга солишнинг хориж тажрибаси

Минтақа иқтисодиётини тартибга солишнинг моҳияти ва хусусиятлари. Минтақа иқтисодиётини тартибга солишнинг институционал ва ҳуқуқий асослари. Минтақавий ривожланиш дастурлари. Минтақа иқтисодиётини тартибга солишнинг иқтисодий механизмлари. Махсус иқтисодий ҳудудлар ва кластер механизми. Минтақавий ривожланиш муаммолари ва табақаланиш. Минтақавий иқтисодий сиёсатни шакллантириш. Ҳудудларнинг ижтимоий-демографик хусусиятлари, аҳоли манзилгоҳларини режалаштириш ва урбанизация.

14-мавзу. Ишлаб чиқариш ва ахборот - коммуникация инфратузилмаси ривожланишининг минтақавий хусусиятлари

Ахборот - коммуникация инфратузилмаси тушунчаси ва унинг мазмун - моҳияти. Инфратузилма ва унинг шакллари. Йўл-транспорт коммуникациялари ва унинг таркибий тузилмаси. Ўзбекистон транспорт тизими ва унинг ривожланиш хусусиятлари. Транспорт - коммуникация тизимларини ривожлантиришда халқаро ҳамкорлик. Транспорт тизимининг ривожланишига таъсир кўрсатадиган омиллар. Логистика хизматларини такомиллаштириш ва

халқаро интеграция жараёнларини жадаллаштириш. Транспорт соҳасида ягона давлат сиёсати. Транспорт тўрини ривожлантиришнинг минтақавий хусусиятлари. Ўзбекистоннинг Халқаро экспедиторлар уюшмаси федерацияси, ЭСКАТО, ТРАСЕКА ва бошқа бир канча халқаро ташкилотлар аъзолиги. Юқори технологик телекоммуникация тармоғини ривожлантиришнинг стратегик йўналишлари.

15-мавзу. Ўзбекистоннинг республика, минтақа, ва маҳаллий бошқарув органлари ўртасидаги ваколатларни тақсимлаш механизми

“Давлат бошқаруви”, “Минтақавий бошқарув” ва “Маҳаллий бошқарув” тушунчаларининг мазмун - моҳияти. Ўзбекистонда Республикаси минтақа ва маҳаллий ҳокимият органлари ўртасида ваколатларни ўзаро манфаатли асосда тақсимлаш зарурати. Маҳаллий тузилмалар фаолиятида муаммолар ва уларнинг ечимлари. Ўзбекистонда республика минтақавий ва маҳаллий ҳокимият органлари ўртасида ваколатларни тақсимлаш тамойиллари. Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш соҳасида қонунчилик фаолиятини такомиллаштириш стратегияси. Маҳаллий ҳокимият органлари томонидан конституциявий ваколатларни амалга ошириш шакллари.

16-мавзу. Минтақавий - иқтисодий сиёсат

Минтақавий сиёсат ва минтақавий - иқтисодий сиёсат тушунчаларининг мазмун моҳияти. Минтақавий - иқтисодий сиёсатнинг мақсад ва вазифалари. Минтақавий сиёсатни амалга ошириш усуллари ва дастаклари. Минтақавий сиёсат йўналишлари. Минтақавий - иқтисодий сиёсат бўйича хорижий тажрибалар ва уларни татбиқ этиш йўллари. Маъмурий-ҳудудий бирликлар доирасида амалга оширилаётган минтақавий - иқтисодий сиёсат. Минтақавий иқтисодий сиёсатда эркин иқтисодий ҳудудларнинг тутган ўрни. Кичик саноат зоналари ва технопарклар ташкил этишнинг меъёрий-ҳуқуқий ва иқтисодий асослари. Ҳудудий - молиявий воситаларнинг шаклланиш манбалари, маҳаллий бюджет, муниципал мулк ҳисобланувчи корхоналарнинг молиявий ресурслари, корхона ва ташкилотларнинг ижтимоий-маданий ва уй-жой-коммунал объектларни молиялаштириш учун йўналтирилган маблағлари.

17-мавзу. Минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини тартибга солиш механизмлари

Минтақалар ижтимоий-иқтисодий тараққиётини тартибга солишнинг мақсади ва вазифалари. Минтақалар ижтимоий-иқтисодий тараққиётида давлатнинг минтақавий сиёсати ва ҳудудий - бошқарув органлари фаолияти. Ҳудудий - иқтисодий ривожланишини давлат томонидан тартибга солиш назариялари. Ҳудудлар ривожланишининг асосий индикаторлари. Ҳудуддаги бандлик, ишсизлик, ҳудуд аҳолиси сонидаги бандлик ҳиссаси, меҳнат

унумдорлиги. Худуд аҳолисининг даромадлари. Худуд аҳолисининг турмуш даражаси ва уни белгиловчи омиллар. Ижтимоий инфратузилма. Худуд инвестицион жозибадорлиги. Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш.

18-Мавзу. минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ва инновацион ривожлантириш стратегиялари

Минтақадаги демографик вазият. Минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг ўрта ва узоқ муддатли истикболлари. Илмий техника ютуқларининг келажақдаги ҳолати ва уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш имконияти. Асосий ишлаб чиқариш омиллари. Аҳолининг товарлар ва хизматларга бўлган талабининг миқдори ва динамикаси. Аҳолининг товар ва хизматларнинг алоҳида турларига бўлган талаби. Минтақавий ривожланишни стратегик режалаштириш. Худудий - инновацион ривожланиш стратегиялари.

19-мавзу. Минтақалар рақобатбардошлиги ва рақобат устунлиги

Рақобат, рақобатбардошлик ва рақобат муҳити тушунчалари ҳамда уларнинг иқтисодий моҳияти. Минтақалар рақобатбардошлигини баҳолаш усуллари. Рақобатдошликнинг иқтисодий диагностика натижалари. Минтақа даражасида рақобатдошликни ошириш жараёнини бошқариш тизими. Минтақаларни узоқ муддатли ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш концепциялари. Минтақалар рақобат устунлиги ва уни аниқлаш йўллари. Минтақалар рақобат устунлигининг худуд ижтимоий-иқтисодий тараққиётида тутган ўрни. Худуд рақобат устунлигини белгиловчи омиллар. Ташқи иқтисодий алоқаларнинг мазмуни, моҳияти ва унинг ривожланиш хусусиятлари. Минтақаларнинг экспорт салоҳияти. Экспорт таркиби ва ундаги ўзгаришлар. Ташқи савдо сальдоси. Минтақаларда қўшма корхоналарнинг ривожланиши. Тайёр маҳсулот экспортини кўпайтириш йўллари.

20-мавзу. Худудлар тараққиётининг экологик жиҳатлари ва табиатдан фойдаланишнинг минтақавий муаммолари

Экология, табиат, табиий ресурс, табиий шароит, табиий бойлик тушунчаларининг иқтисодий моҳияти. Табиат билан жамият ўртасидаги муносабатлар. Табиатдан фойдаланишнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари. Атроф – муҳитни муҳофаза қилишнинг ижтимоий - иқтисодий жиҳатлари. Атмосферани муҳофаза қилиш, ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш. Минтақаларда атроф - муҳитни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш бўйича ҳамкорлик. Саноат марказларидаги атмосфера ифлосланиш индекси ва унинг динамикаси. Ўзбекистон ва унинг худудларида биологик хилма-хилликни сақлаб қолиш йўллари. Стационар манбалардан чиқадиган чиқиндилар. Атмосфера ҳавосининг ифлосланишига ҳаракатланувчи манбаларнинг таъсири.

21-мавзу. Дунё хўжалигининг минтақавий хусусиятлари

Дунё хўжалигининг шаклланиши ва унинг асосий босқичлари. Халқаро меҳнат тақсимоти. Халқаро иқтисодий интеграция. Дунё мамлакатларининг энг муҳим иқтисодий гуруҳлари. Йирик минтақалар - қитъаларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши. Минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши цикллари. Дунё хўжалигининг асосий марказлари ва уларнинг силжиши қонуниятлари.

22-мавзу. Эркин иқтисодий ҳудудлар

Минтақавий - иқтисодий сиёсатнинг моҳияти, мақсади ва вазифалари. Минтақавий - иқтисодий сиёсатни амалга ошириш дастаклари. Минтақавий - иқтисодий сиёсат бўйича хорижий тажрибалар. АҚШ ва Буюк Британия тажрибаси. Европа Ҳамжамияти мамлакатларининг минтақавий сиёсати. Ўзбекистонда минтақавий - иқтисодий сиёсатнинг амалга оширилиши. Минтақавий - иқтисодий сиёсатнинг асосий йўналишлари.

23-мавзу. Минтақаларда атроф - муҳитни муҳофаза қилиш

Атроф – муҳитни муҳофаза қилиш. Атмосферани муҳофаза қилиш. Ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш. Ўрмонларни сақлаш йўллари. Чўл зоналарини ўзлаштириш, курғоқчиликка қарши кураш. Ўзбекистон ва унинг ҳудудларида биологик хилма-хилликни сақлаб қолиш йўллари. Тоғ ҳудудларини ўзлаштириш ва ривожлантириш йўллари. Атмосфера ҳавосининг ифлосланиши. Стационар манбалардан чиқадиган чиқиндилар. Атмосфера ҳавосининг ифлосланишига ҳаракатланувчи манбаларнинг таъсири. Чегара бўйи ҳудудларида атмосфера ҳавосининг ифлосланиши.

Сув ресурсларининг ҳолати ва улардан фойдаланиш.

24-мавзу. Минтақаларни пандемия шароитида ривожланиш ҳолати

Минтақалар ривожланишига пандемияни таъсири. Минтақаларни барқарор ривожланишини таъминлашда пандемиянинг таъсирини камайтириш. Пандемия шароитида атроф – муҳитни муҳофаза қилишнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатлари. Ҳудудларни тармоқ ва соҳаларида янги иш ўринларини таъминлаш борасида пандемиянинг таъсирини камайтириш йўллари. Ҳудудлар аҳолисини ижтимоий муҳофаза қилиш йўналишлари. Минтақаларда ўз-ўзини банд қилиш ва оилавий тадбиркорлик ривожлантириш йўллари. Пандемия шароитида минтақалар салоҳиятидан самарали фойдаланиш орқали камбағалликни қисқартириш ва янги иш ўринларини таъминлаш ҳамда аҳоли

даромадини ошириш. Минтақаларда пандемия шароитида табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиш.

ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 17 февралдаги “Махсус иктисодий зоналар тўғрисида”ги 604-сонли қонуни.
2. Ўзбекистон Республикасининг қонуни. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида. ЎРҚ-599-сонли, 2019 йил 30 декабрь.
3. “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни 2019 йил 13 августдаги ЎРҚ-552 - сонли қонуни.
4. Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида. ЎРҚ-589-сонли, 2019 йил 9 декабрь.
5. Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида. ЎРҚ-657-сонли, 2020 йил 25 декабрь.
6. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. Янги таҳрири. 2020.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги фармони.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. Ўзбекистон республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. 2017 йил 7 февраль, ПФ-4947-сонли. - <https://lex.uz/docs/3107036>
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили институтини таъсис этиш тўғрисида. 2017 йил 5 май, ПФ-5037-сонли. - <https://lex.uz/docs/3193118>
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2017 йил 2 сентябрдаги ПФ-5177 сонли фармони, Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси ахборот тизими (www.lex.uz).
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 18 июлдаги ПФ-5116 сонли фармони
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3272-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси ахборот тизими (www.lex.uz). Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар

тўғрисида»ги ПФ-5177-сонли фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. –2017.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 9 январдаги ПФ-5296-сонли «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.01.2018 й., 06/18/5296/0534-сон).

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва иқтисодий сиёсат самарадорлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 8 январдаги ПФ-5614-сонли фармони, Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси ахборот тизими (www.lex.uz).

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 ноябрдаги ПФ-5877-сонли «Инфляция таргетлаш режимига босқичма-босқич ўтиш орқали пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш тўғрисида»ги фармони. (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.11.2019 й., 06/19/5877/4036-сон).

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. Солик ва божхона имтиёзлари берилишини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида. ПФ-5755-сонли, 2019 йил 27 июнь.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида. ПФ-5969-сонли, 2020 йил 19 март.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. ПФ-5978-сонли, 2020 йил 3 апрель.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. ПФ-5986-сонли, 2020 йил 27 апрель.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 апрелдаги “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПФ-5978-сонли фармони.

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2020 йил 3 апрель, ПФ-5978-сонли. - [https:// www.lex.uz/](https://www.lex.uz/)

22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида. 2020 йил 18 май, ПФ-5996-сонли. - <https://lex.uz/docs/4815474>

23. 2020-2024 йилларда товар ва молия бозорларида рақобатни ривожлантириш стратегияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 июлдаги ПФ-6019-сонли Фармонига 1-илова. - <https://lex.uz/docs/4887654#4889230>

24. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақобат муҳитини янада ривожлантириш ва иқтисодиётдаги давлат иштирокини қисқартириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони. 2020 йил 6 июль, ПФ-6019-сонли. - <https://lex.uz/docs/4887654#4889230>

25. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармони. - <https://www.lex.uz/>

26. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сон Фармонига илова. 2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури. - <https://lex.uz/docs/4751561>

27. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 июлдаги ПФ-6019-сонли фармони 1-илова. 2020-2024 йилларда товар ва молия бозорларида рақобатни ривожлантириш стратегияси. - <https://lex.uz/docs/4887654#4889230>

28. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. 2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида. - <https://lex.uz/docs/4751561>

29. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 январдаги «Иқтисодий ривожланиш соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5621-сонли фармони.

30. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5953-сонли Фармони.

31. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги «2019–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5544-сонли фармони. - <https://www.lex.uz/>

32. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси кишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” ги ПФ-5853-сонли фармони. lex.uz

33. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Ўзбекистон Республикасининг “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат

бюджети тўғрисида”ги қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида. ПҚ-4555-сон, 2019 йил 30 декабрь.

34. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. ПҚ-4539-сон, 2019 йил 28 ноябрь.

35. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. ПҚ-4742-сонли, 2020 йил 8 июнь.

36. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига 2020 йил 29-декабрь даги Мурожаатномаси. Электрон манба: <https://president.uz/uz/lists/view/4057>

37. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон, 2016 й.

38. Мирзиёев.Ш.М. Танкидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Т.: "Ўзбекистон", 2017 й.

39. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси 2020 йил 29 декабрь <https://president.uz/uz/lists/view/4057>

40. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси 75-сессиясида сўзлаган нутқини ўрганиш ва кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб қилиш. Ўқув қўлланма. Т.: “Маънавият”, 2021. - 280 б.

41. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида иқтисодий ислохотларни изчил давом эттириш асосида 2021 йилда стратегик мақсадларга эришиш юзасидан амалга ошириладиган устувор йўналишларни кенг жамоатчилик орасида тарғиб қилиш бўйича илмий-оммабоп рисола. – Т.: “Маънавият”, 2021.- 248 б.

42. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 августдаги “Эркин иқтисодий зоналар самарали фаолият кўрсатиши учун вазирликлар, идоралар ва жойлардаги давлат ҳокимияти органларини мувофиқлаштиришни кучайтириш ва уларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3175-сонли қарори.

43. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари фаолияти самарадорлигини ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2017 йил 25 октябрдаги ПҚ-3356-сонли қарори.

44. Мирзиёев Ш.М. Олий Мажлисга Мурожаатномаси /Халқ Сўзи, 2020 йил 25 январь, № 19 (7521).- сон

45. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 24 январдаги маърузаси. “Халқ сўзи ”.

46. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раислигида 2020 йил 7 май куни ҳудудлар иқтисодиётини ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига бағишлаб ўтказилган видеоселектор материаллари.

47. Romer D. Advanced Macroeconomics. 5th ed. McGraw-Hill, 2018. - 800 p. — ISBN 1260185214.

48. M.Armstrong, J.Taylor. Regional economics and policy. 3 edition. WilleyBlackwell publisher, 2010- 448 p.

49. Roberta Capello. Regional Economics. USA: Routledge, 2016.

50. R Capello, Mintaqaviy iqtisodiyot 2-nashr, Routledge, 2016

51. R Crescenzi & M Peroco geografiyasi, institutlari va mintaqaviy iqtisodiy ko'rsatkichlar, Springer, 2013

52. Ведяпина В.Н. Региональная экономика. - М.: «ИНФРА», 2008. – 510 стр.

53. Crescenzi R va Rodnguez-Pose A innovatsiyalar va Evropa Ittifoqida mintaqaviy o'sish, Springer, 2011;

54. Jones C iqtisodiy o'sishga kirish 2-nashr, Norton 2001; P Makkenning shahar va mintaqaviy iqtisodiyoti, OUP 2001;

55. Pike, A. Rodnguez-Pose A. & Tomaney J. Mahalliy va mintaqaviy rivojlanish 2-nashr, Routledge, 2017 - yil.

56. Региональная экономика: Учебник для вузов/ Т.Г. Морозова, М.П. Победина, Г.Б. Поляк и др.; Под ред. проф. Т.Г. Морозовой. - 2-е изд., перераб. и доп. - М.: ЮНИТИ, 2001. - 472 с.ISBN 5-238-00027-8.

57. Абдурахмонов Қ.Х., Абдуллаев О., Дадабоев Ш. “Региональная экономика и управление” Учебник. ТГЭУ 2007. 730с.

58. Крутиков В.К., Аракелян С.А., Дорожкина Т.В., Костина О.И., Федорова О.В. Региональная экономика. Учебно-методическое пособие. Калуга: Изд-во «Эйдос», 2015. – 202с. ISBN 978-5-905697-94-4

59. Якубов И.О., Исломов А.А., Суннатов М.Н., “Минтақавий иқтисодиёт” -Т.;ТДИУ, 2019й. -228б.

60. Якубов И.О., Ҳакимов Ҳ.А. “Минтақавий иқтисодиёт”. Ўқув-услугий мажмуа. Т.: ТДИУ, 2016 йил

61. Раҳимова М.Р. Минтақа ва маҳаллий хўжалик иқтисодиёти. Ўқув кўлланма. Т.: ЎЗРЁУАЖ, 2004. – 128 бет.

62. Раҳимова М.Р., Ишмухамедов А.Э. Минтақавий иқтисодиёт. Лотин алифбосида дарслик. Т.ТДИУ, 2010. 335 бет.

63. Солиев А. ва бошқалар. Ўзбекистон ҳудудлари ижтимоий-иқтисодий ривожланиши. Монография Т. “Мумтоз сўз” 2010. 100 бет.

64. Региональная экономика: учебное пособие для студентов вузов, обучающихся по экономическим специальностям / (Т.М. Ахмедов, А.М. Кадыров, К.А. Хасанджанов, под ред. акад. К.Х.Абдурахманова – 2-ое изд. перераб. и доп. – М.: 2009 - 165с.)

65. Беркинов Б.Б., Аскарова М.Т., Абдурахимова С. Ўзбекистонни ривожланиш стратегияси: Ўқув кўлланма. – Т.: 2019.–78 бет.

66. Беркинов Б.Б. Институционал иқтисодиёт: Дарслик. 3-нашр, қайта ишланган. – Т.: Иқтисодиёт, 2018. – 256 б.

67. Монетар сиёсатнинг 2019 йил ва 2020 – 2021 йиллар даврига мўлжалланган асосий йўналишлари.

68. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки йиллик ҳисоботи. 2020 йил.

69. Монография - Салимов Б.Т., Салимов Б.Б. “Кичик саноат зоналарини барпо этиш ва ривожлантиришнинг ташкилий иқтисодий асосларини такомиллаштириш”. – Т.: Иқтисодиёт, 2020.

70. www.gov.uz

71. www.mfer.uz

72. www.uza.uz

73. www.stat.uz

74. www.lex.uz

75. www.sharh.uz